

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ  
ВАЗИРЛИГИ  
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
МАРКАЗИ**

**Шухрат Кўчимов**

**НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ  
ЛИНГВИСТИК ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ**

**Методик қўлланма**

**ТОШКЕНТ  
“ТАМАДДУН”  
2022**

УЎК 340.132.642  
КБК 67.022.11(5Ў)  
К95

**Кўчимов Ш.** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари лингвистик экспертизадан ўтказиш / Методик қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристлар малакасини ошириш маркази. “TAMADDUN”, 2022. – 32 б.

**Такризчилар:** юридик фанлар доктори, профессор Б.Тошев  
юридик фанлар номзоди Д.Рахимов

Методик қўлланмада норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тартибининг амалий-методик асослари, қоидалари ўз аксини топган. Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказишга қўйиладиган юрислингвистик талаблар, унда юридик тил, грамматик меъёр ва юридик атамология қоидаларига қатъий риоя қилиш масалалари юзасидан муҳим таклиф ва услубий тавсиялар берилган.

Методик қўлланма бугунги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрловчи ва уни лингвистик экспертизадан ўтказувчи мутахассислар, давлат тилида иш юритиш бўйича масъул ходимлар учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази Ўқув ва илмий-услубий кенгаши мажлисида 2022 йил 19 майда муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия этилган (11-сонли баённома).

**ISBN 978-9943-5127-4-0**

© Ш.Кўчимов, 2022 й.

© Юристлар малакасини ошириш маркази, 2022 й.

© “TAMADDUN”, 2022 й.

## КИРИШ

Бугунги кунда мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини давлат тилида мукамал даражада ишлаб чиқиш ва уни лингвистик экспертизадан сифатли ўтказиш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу нуқтаи назардан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини мукамал даражада ишлаб чиқишда лингвистик экспертиза ва унинг қоидаларини билиш ва уни тўғри қўллаш мутахассислар олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бироқ бу вазифа шундай мураккаб жараёнки, уни чуқур илмий-назарий жиҳатдан ўрганмасдан ҳамда юридик техника, юридик тил, юридик атамашунослик, юрислингвистикага оид билимларни ўзлаштирмасдан туриб, уни амалга ошириш анча мураккабдир.

Шу боис норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини саводхонлик билан тузиш ва тайёрлаш ишлари уни тайёрловчи ва уни лингвистик экспертизадан ўтказувчи мутахассислар, давлат тилида иш юритиш бўйича масъул ходимларга маълум бир қийинчиликларни туғдиради, улардан маълум бир билим, малака ва амалий кўникмаларни талаб қилади.

Мазкур методик қўлланмада норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрловчи ва уни лингвистик экспертизадан ўтказувчи мутахассислар, давлат тилида иш юритиш бўйича масъул ходимларнинг лингвистик экспертиза бўйича билим, малака ва амалий кўникмаларини ривожлантириш, уларнинг ўз иш фаолиятида лингвистик экспертиза ўтказиш қоидаларига қатъий риоя қилишининг амалий-методик асослари, юрислингвистик қоидалари ҳақида фикр юритилади. Айниқса, унда ҳозирги пайтда лингвистик экспертиза ва уни ўтказишга қўйиладиган асосий талаблар, уларнинг бу талабларни амалда қўллай билишини таъминлаш мақсадида бу соҳадаги хато ва камчиликлар аниқ мисоллар асосида берилади ҳамда уларни бартараф этиш йўллари масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

**Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур методик қўлланманинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:**

- норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрловчи ва уни лингвистик экспертизадан ўтказувчи мутахассислар, давлат тилида иш юритиш бўйича масъул ходимларнинг лингвистик экспертиза бўйича билим, малака ва амалий кўникмаларини янада ошириш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини сифатли тузиш, тайёрлаш, расмийлаштириш ва унинг лингвистик экспертизадан ўтказишнинг асосий ташкилий-техник тушунчалари, қоидалари билан таништириш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини сифатли тузиш, тайёрлаш, расмийлаштириш ва уни лингвистик экспертизадан ўтказишда давлат тили талаби ва ўзбек адабий тилининг меъёр ва қоидаларидан моҳирона фойдалана олиш қобилиятини ривожлантириш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ўта (максимал) аниқ, равион ва тушунарли ифодалаш малакасини ривожлантириш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини лингвистик илмий-амалий таҳлил қилиш, улардаги хато ва камчиликларни аниқлаш ва шундан келиб чиққан ҳолда, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрловчи ва уни лингвистик экспертизадан ўтказувчи мутахассислар, давлат тилида иш юритиш бўйича масъул ходимлар учун нотариат ҳужжатларини белгиланган талаблар асосида сифатли тузиш, тайёрлаш ва уни расмийлаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Бу мезонларнинг ҳуқуқий ва илмий-амалий асосини Ўзбекистон Республикасининг Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 октябрда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 662-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 29 июнда қабул қилинган “Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 150-мх-сон буйруғи, ўзбек тилининг адабий тил меъёрлари, хусусан, 1956 йил 4 апрелда тасдиқланган кирилл ёзувига асосланган имло қоидалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги 339-сон “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қарори, шунингдек, юридик тил ва унга қўйиладиган талаблар ташкил этади.

Мазкур методик қўлланма норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш масалаларига бағишланган илк методик қўлланма бўлганлиги ва ўз навбатида, мазкур масалаларнинг ўта кенг қамровлилиги ҳамда мураккаблиги боис унда мулоҳаза талаб ўринлар бўлиши табиий бир ҳол, албатта.

## ЛИНГВИСТИК ЭКСПЕРТИЗАСИ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ

Сўнгги йилларда бу масалага мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ–6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари қабул қилинди, 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди. Унга асосан 2025 йилга қадар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш; давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва барча соҳа мутахассисларининг нутқ маданиятини ошириш, давлат тилида соҳавий иш юритиш ҳужжатларининг ягона электрон намуналарини ишлаб чиқиш каби ўта муҳим вазифалар белгиланди.

Бу вазифаларни тизимли равишда ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Маънавий ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти ташкил этилди. Унга давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторинг олиб бориш, давлат тилини ривожлантириш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш каби вазифалар юкланди.

Бу вазифаларни тўла амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 январда қабул қилинган “Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 34-сон қарорига асосан давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари тузилмаларида раҳбарнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий қилинди.

Шунингдек, бу соҳадаги ижро сифатида янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 октябрда 662-сон “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилинди. Унга асосан 2023 йил 1 январдан бошлаб лойиҳани ишлаб чиқувчининг ташаббуси билан ёхуд топшириққа асосан вазирлик, идоралар билан келишишдан олдин лойиҳа матни давлат тили қоида

ва талабларига мувофиқлигини текшириш мақсадида лингвистик экспертизадан ўтказилади; лингвистик экспертиза лойиҳани ишлаб чиқувчи давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси (кейинги ўринларда — маслаҳатчи) томонидан амалга оширилади.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан мамлакатимизда давлат тилида иш юритиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш тизимини янада такомиллаштириш, уларни давлат тили талаби ва қоидаларидан келиб чиққан ҳолда янада ривожлантириш энг муҳим вазифалардан биридир.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрловчи ва уни лингвистик экспертизадан ўтказувчи мутахассислар, давлат тилида иш юритиш бўйича масъул ходимларнинг ёзма юридик нутқ маданиятини ривожлантириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини юридик техника қоидаларига асосланган ҳолда сифатли ишлаб чиқиш, уларни юридик тил талабларидан келиб чиққан ҳолда мукамал даражада тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш муҳим ҳисобланади. Шунинг учун норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрловчи ва уни лингвистик экспертизадан ўтказувчи мутахассислар, давлат тилида иш юритиш бўйича масъул ходимлар томонидан қабул қилинган ҳужжатлар аниқ ва тушунарли ишлаб чиқилиши, улар ижрочилар томонидан турлича талқин қилинмаслиги мақсадга мувофиқ. Чунки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни турлича шарҳлаш унинг ижросига салбий таъсир қилади. Шунинг учун улар ҳар томонлама мукамал даражада тузилсагина ўз олдига қўйган мақсад ва вазифани бажара олади.

Давлат тили - бирор мамлакатда кўпчилик аҳоли гаплашадиган тил бўлиб, у қонун ҳужжатлари ёки шу халқнинг анъанавий-тарихий меъёрлари асосида давлат тили сифатида белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида давлат тили – ўзбек тили.

Шундан келиб чиққан ҳолда, давлат ва унинг органлари фаолияти, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат тилида тайёрланади, қабул қилинади, расмийлаштирилади ва экспертизадан ўтказилади.

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва уни лингвистик экспертизадан ўтказиш деганда нима тушунилади?**

Қонунчиликка мувофиқ қабул қилинадиган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилайдиган, ўзгартирадиган ёки бекор қиладиган расмий ҳужжат лойиҳаси **норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси** деб юритилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси матнининг давлат тили қоида ва талабларига мувофиқлигини мутахассис томонидан ўрганилиши **лингвистик экспертиза** деб номланади.

**Лингвистик экспертизанинг мақсади ва асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:**

- норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси матнини давлат тили қоида ва талабларига мослаш, янги атамаларни тўғри қўллаш ҳамда грамматика, имло, пунктуация қоидаларига мувофиқ бўлишини таъминлаш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси матнининг давлат тили қоида ва талабларига, жумладан, имло, услубий, грамматик ва орфография қоидаларига мос бўлишини таъминлаш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида соҳа атамаларининг тўғри қўлланиши, янги атамалар қўлланилганда, уларга мос таъриф берилишини текшириш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси матни аниқ ва тушунарли баён қилинганлиги, сўз бирикмалари тўғри танланганлигига ва ўзаро тўғри боғланганлигига баҳо бериш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси матнидаги тушунча ва атамаларнинг маъносига мувофиқ ягона шаклда ва тўғри қўлланишини таъминлаш.

## НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАСИНИ ЛИНГВИСТИК ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ ТАЛАБЛАРИ

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси матнини давлат тили қоида ва талабларига мослаш лингвистик экспертизанинг асосий мақсади ҳисобланади.

### Давлат тили қоида ва талабларига нималар киради?

Ўзбекистонда давлат тилининг асосини ўзбек адабий тили ташкил қилади. Адабий тил - халқ тилининг энг олий ифодаси бўлиб, у тилнинг барча қоидалари (фонетик, лексик, морфологик, синтактик, услубий кабилар) бўйича тартибга солинади. Шунга кўра у давлат тилининг асосий замини ҳисобланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, давлат тили қоида ва талабларини ўзбек адабий тилининг қуйидаги асосий қоидалари ташкил қилади:

- орфографик (имловий) қоидалар;
- пунктуация қоидалари,
- лексик қоидалар;
- атамашунослик ва уни тўғри қўллаш қоидалари;
- морфологик қоидалар;
- синтактик қоидалар;
- вазифавий-услубий қоидалар;
- расмий иш услуби ва юридик тил қоидалари;
- юрислингвистик қоидалар;
- юридик техника ва қонунчилик техникаси қоидалари
- матнда мантиқий хатоликларга йўл қўймаслик талаблари ва бошқалар.

Ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини мукамал даражада тузишнинг асосий шarti – юқоридаги умумадабий тил қоидаларига қатъий риоя қилиш ҳисобланади. Бунинг учун шу соҳа мутахассиси бу талаб ва қоидаларни мукамал даражада эгаллаган бўлиши ва уларни тўғри қўллай олиши зарур.

**Орфография** (юн. orthos — тўғри ва графия) тўғри ёзиш ҳақидаги қоидалар тизими ҳисобланади. **Пунктуация** эса тиниш белгиларини тўғри қўллаш қоидаларини ифодалайди. Бу қоидаларнинг асосини 1956 йил 4 апрелда тасдиқланган кирилл ёзувига асосланган имло қоидалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги 339-сонли қарори ташкил этади.



Шунинг учун ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси, биринчи навбатда, орфография ва пунктуация қоидаларига қатъий жавоб бериши лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тилида оддий, арзимас нарсанинг ўзи йўқ. Айниқса, суд ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тилида ўрни келганда, оддий бир вергул ҳам фикрни бутунлай ўзгартириб юборади. Жумладан, тарихда “*Ўлим, йўқ шафқат. Ўлим йўқ, шафқат*” дейилиши натижасида, яъни битта вергулнинг ҳар хил жойда ишлатилиши оқибатида бир инсон қатл этилган ёки унинг ҳаёти сақлаб қолинган.

Албатта, бу мисол тарихий даврга оид, лекин бугунги кунда бундай ҳолат учрамайди деб бўлмайди. Ҳозирда ҳам юридик ҳужжатларда юқоридагига ўхшаш ҳолатлар жуда кўп учрайди. Масалан, баъзан айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда “*энг кам таъминланган ёш болали оилаларга ёрдам пули ажратилсин*” жумласи “*энг кам таъминланган, ёш болали оилаларга ёрдам пули ажратилсин*” тарзида берилади ёки аксинча.

Ҳужжат тузаётган мутахассис юқоридаги ҳар икки гапни бир хил мазмунга эга деб ўйлайди. Аслида эса бу юридик ва молиявий жиҳатдан жуда катта хатоликка олиб келади.

Жумладан, “*Энг кам таъминланган ёш болали оилаларга ёрдам пули ажратилсин*” дейилганда, фақат бир тоифадаги, яъни энг кам таъминланган ёш болали оила тушунилади. “*Энг кам таъминланган, ёш болали оилаларга ёрдам пули ажратилсин*” дейилганда эса, икки тоифадаги, яъни ҳам энг кам таъминланган оилалар, ҳам ёш болали оилалар тушунилади.

Шунга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тўғри тузиш ва уни лингвистик экспертизадан ўтказиш ҳам бир санъат ҳисобланади.

Бу санъатни тўла эгаллаш норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрловчи ва уни лингвистик экспертизадан ўтказувчи мутахассислар, давлат тилида иш юритиш бўйича масъул ходимлардан маълум бир билим ва малакани тақозо этади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси матни унинг тилига қўйиладиган талаблар асосида ҳар жиҳатдан мукамал, аниқ ва раво тузилиши, аввало, сўздан тўғри фойдаланишга боғлиқ.

Матнда сўзларнинг маъносини фарқламасдан бериш, ортиқча сўз ва ибораларнинг ишлатилишига йўл қўйилиши ҳуқуқий норманинг ўта аниқ ва содда ифодаланишига тўсқинлик қилади, натижада уни тушуниш қийинлашади. Бундай қоидалар тилшунослик фанида **лексик-услубий қоидалар** деб юритилади. У сўз ва атамаларни матнда тўғри ва ўринли қўллаш меъёрларини белгилайди.

Шу боис ҳуқуқий ахборот норма сифатида шакллантирилаётганида ва лингвистик экспертизадан ўтказилаётганда, унда ифодаланаётган ҳар бир сўз, қўшимча, ҳатто тиниш белгиси биттама-битта таҳлилдан ўтказилиши, лозим бўлсагина шу сўз ёки қўшимча қолдирилиши мақсадга мувофиқ. Ҳуқуқий норма шундай тузилиши лозимки, ундаги ҳатто битта “вергул” ни ҳам олиб ташлаш мумкин бўлмасин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролиги тўғрисидаги қонуннинг қуйидаги моддаларига эътибор беринг:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси	Ўзбекистон Республикаси Фуқаролиги тўғрисидаги қонун
18-модда. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.	2-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари келиб чиқишларидан, ижтимоий ва мулкӣ ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, машғулотининг тури ва сажияси ҳамда бошқа ҳолатлардан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

Кўринадики, иккала қонунда ҳам бир хил ҳуқуқий норма ифодаланган. Лекин уларнинг ифода усули бир-биридан фарқ қилади.

Бу ҳуқуқий норма Конституцияда ҳаммаси бўлиб 29 та сўз орқали ифодаланган бўлиб, бирорта ортиқча сўз ишлатилмаган.

Ҳуқуқий нормани тузишда ўзбек тилининг грамматик қонун-қоидаларига тўла риоя қилинган. Шунинг учун ҳам бу модда ўта аниқ ифодаланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролиги тўғрисидаги қонунда эса бу ҳуқуқий норма ҳаммаси бўлиб 33 та сўз орқали ифодаланган бўлиб, бунда ҳар бир сўзни ўз ўрнида ишлатилган деб бўлмайди. Жумладан, *динга муносабати* бирикмасидаги *муносабати* сўзи ортиқча бўлиб, шу тушунчани Конституциядаги сингари *дини* сўзи билан ифодалаш мумкин эди. Шунингдек, бу моддада *сажия* сўзининг ишлатилиши билан қўпол хатоликка йўл қўйилган. Чунки норматив-ҳуқуқий лойиҳаси матнида эскирган, тарихий сўзларни бериш мақсадга мувофиқ эмас.

Матнда лингвистик нуқтаи назардан лексик-грамматик тавтология ҳам юз берган. Жумладан, *ҳолати* сўзи икки марта ишлатилган. Ваҳоланки, шу сўзни бир марта ишлатиш ҳам мумкин эди.

Бу моддада грамматик қўшимчаларни ишлатишда ҳам услубий жиҳатдан хатоликка йўл қўйилган. Матнда *машғулотининг тури ва сажияси ҳамда бошқа ҳолатлардан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар* дейилганда *ҳолатлардан* сўзида кўплик қўшимчасидан сўнг учинчи шахс эгалик қўшимчаси (-и) тушириб қолдирилган.

Бундан ташқари, матнда чиқиш келишигининг қўшимчаси (-дан) 7 марта (*келиб чиқишларидан, мулкӣ ҳолатидан, миллатидан, тилидан, динга муносабатидан, бошқа эътиқодларидан, бошқа ҳолатларидан*) ишлатилган.

Аслида -дан қўшимчасини Конституциядаги сингари бир марта ишлатиш йўли билан шу ҳуқуқий нормани аниқ ифодалаш мумкин эди. Матнда сон категориясини қўллашда ҳам хатоликка йўл қўйилган. Конституциянинг юқоридаги моддасида сўзлар асосан бирликда (*жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоӣ келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоӣ мавқеидан*) ифодаланиб тўғри шаклда берилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролиги тўғрисидаги қонунда эса -лар кўплик қўшимчаси уч марта (*келиб чиқишларидан, бошқа эътиқодларидан, бошқа ҳолатларидан*) ишлатилиб услубий жиҳатдан хатоликка йўл қўйилган. Шунингдек, бу моддада *қатъи назар* сўзини *қатъий назар* тарзида бериб, орфографик хатолик ҳам юз берган.

Агар юқоридаги икки нормани фуқароларга тушунарлилик нуқтаи назаридан ҳам таҳлил этилганда Конституциядаги шаклнинг муваффақиятли эканлигини таъкидлаш лозим.

Лингвистик экспертизанинг асосий мазмун ва моҳиятини норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тили ва услубини юқоридаги сингари таҳлил ташкил этиши лозим.

Умуман, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари тилида лексик-услубий қоидага асосан умумистеъмолдаги сўзлардан, атамалардан кўпроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки бундай сўзлар, айниқса, умумистеъмолдаги сўзлар кундалик фаолиятимизда фаол қўлланиши натижасида барча учун тушунарли бўлади. Шунга кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасидаги фикрлар уни қўлловчилар ва ижрочилар томонидан осон тушунилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида, унга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларда қуйидагиларнинг қўлланишига йўл қўйилмайди:

- оғзаки нутқ шакллари;
- давлат тилида тенг маъноли сўзлар ва тушунчалар мавжуд бўлган тақдирда, чет тиллари атамалари;
- эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар;
- аббревиатура ва қисқартмалар (бундан умумий қабул қилинган аббревиатура ва қисқартмалар, шунингдек, қонуности ҳужжатларининг иловаларидаги ташкилотларнинг қисқартирилган номлари мустасно).
- турли бадиий тасвир воситалари - ўхшатиш, метафора, синекдоха, литота, аллегория, жонлантириш, гипербола, муболаға, турли сўз ўйинларини қўллашга йўл қўйилмайди. Чунки норматив-ҳуқуқий ҳужжат тилида бирор нарса иккинчисига ўхшатилмайди, қиёсланмайди, маъно кўчмайди. Шунинг учун ҳам *ораз*, *жамол*, *жилвакор*, *диёр*, *мактуб*, *ёр*, *соҳибжамол*, *париваиш* каби поэтик лексика, эмоционал-экспрессив сўзлар, жаргон, арго ва шевага хос сўзлар қўлланмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ўзбек тилининг **грамматик (морфологик ва синтактик) қоидаларига** кўра жумлалар содда ва қисқа тузилиши, таърифлар аниқ ифодаланиши; қўшимчалар тўғри қўлланиши, сўз бирикмалари ва гап ўзаро тўғри боғланган бўлиши, баён тизимли, мантиқан узвийлик асосида берилиши мақсадга мувофиқ.

Олий филологик билимга эга бўлган мутахассис ўзбек тилининг орфографик, пунктуация, лексик, грамматик (морфологик, синтактик), вазифавий-услубий ва расмий иш услубига оид қоидаларни олий ўқув юртида ўқиганлиги боис улар ҳақида маълум бир билимларга эга бўлади.

Лекин норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тузувчи ва уни лингвистик экспертизадан ўтказувчи мутахассис учун фақат юқоридаги билимларнинг ўзи кифоя қилмайди. Чунки норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини мукамал даражада тузиш ва уни сифатли лингвистик экспертизадан ўтказиш учун ҳуқуқшунослик ва тилшунослик фанларининг интеграциясига асосланган маълум бир махсус билимларни эгаллашни ҳам тақазо этади.

Бундай билимлар дунё илм-фанида юрислингвистика деб номланган бўлиб, унинг ўрганиш предметини юридик тил, юридик нутқ, юридик атамашунослик, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тили ва услуби ташкил этади. Шунинг учун норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрловчи ва уни лингвистик экспертизадан ўтказувчи мутахассислар, давлат тилида иш юритиш бўйича масъул ходимлар тилшуносликка оид билимлар билан бирга юрислингвистика, юридик тил ва унга қўйиладиган талабларни билиш ва уни амалиётда тўғри қўллай олиши лозим.

Тил жамиятдаги ҳамма масалалар бўйича инсонларнинг ўзаро муомала воситаси бўлса, юридик тил эса унинг муҳим бир таркибий қисми сифатида ижтимоий ҳаётнинг қонун, суд-ҳуқуқ соҳасида қўлланади. Шунга кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тузувчи ва уни лингвистик экспертизадан ўтказувчи мутахассис учун юридик тил фавқулодда муҳим аҳамиятга эга.

### **Хўш, шундай экан, юридик тил аслида нима?**

“Юридик тил” атамаси алоҳида бир миллат тили тушунчасини англатмайди. У “юридик тил” деб номланса-да, давлат тили ва миллий адабий тилнинг ажралмас бир таркибий қисми ҳисобланади. Буни қуйидаги жадвалда янада яққолроқ кўриш мумкин.

### **Давлат тили, адабий тил, шевалар ва юридик тил**



Кўринадики, юридик тил давлат тилининг фонетик, лексик, грамматик жиҳатдан маълум бир нормага солинган ёзма адабий тили асосида иш кўради.

Шундай қилиб, суд-ҳуқуқ соҳасида ишлатиладиган барча тил бирликларининг (товуш, қўшимча, сўз, сўз бирикмаси, гап) мажмуи юридик тил деб аталади.

Юридик тил, биринчи навбатда, давлатнинг ўз фуқаролари билан “гаплашадиган” тили. У юридик тил орқали ўз амрини инсонларга етказди. Юридик тил учун энг муҳими бирор хатти-ҳаракатни тақиқлаш ёки мумкинлигини билдириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилашдир. Содда қилиб айтганда, юридик тил фуқароларнинг ўз хатти-ҳаракатларини ва юриш-туришларини қонуний асосда юритишлари учун давлат ва фуқаролар ўртасида “кўприк” вазифасини ўтайди.


Шундай қилиб, “юридик тил” атамаси шу маънодаки, унда ҳуқуқшуноснинг ўз фикрини ва ҳуқуқий нормаларни ифодалашда тил

бирликлари мажмуи: товуш, қўшимча, сўз, атама, сўз бирикмаси ва гаплардан қандай фойдаланиши тушунилади.

Шу маънода уни ҳуқуқшуноснинг ёзма сўз санъати деб аташ ҳам мумкин.

Айниқса, юридик тил, унинг ўзига хос белгиларини билиш ва шу асосда ҳужжат тузиш ҳамда уни лингвистик экспертизадан ўтказишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Бу белгиларни қуйидаги жадвалда яққолроқ кўриш мумкин:



Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу белгилар, ўз навбатида, норматив-ҳуқуқий ҳужжат тилига қўйиладиган талаблар ҳам ҳисобланади. Шу боис норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрловчи ва уни лингвистик экспертизадан ўтказувчи мутахассислар, давлат тилида иш юритиш бўйича масъул ходимлар ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тузиш ва уни лингвистик экспертизадан ўтказиш ишида айнан шу талабларни ҳам ҳисобга олишлари зарур.

Шундай қилиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари тузиш ва уни лингвистик экспертизадан ўтказиш ишида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

1. Ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси матни расмий, қатъий ва, ўз навбатида, нейтрал ифодаланган бўлиши керак, унда услубий бўёқдорликка йўл қўйилмаслиги лозим;

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси матни энг юқори даражада (максимал) аниқ ифодаланиши керак, унинг тилидаги ҳар бир сўз фақат биргина маънони бериши, унда кўп маъноли сўзлар, синоним ва омонимлар ишлатилмаслиги лозим;

3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси матнини тузишда мумкин қадар кўпчилик тушунадиган сўз ва атамалардан кенг фойдаланиш лозим. Бунда атамаларни тўғри қўллай билишга, сўз ва атамалар синонимияси, омонимияси ва полисемиясига йўл қўймасликка алоҳида эътибор бериш керак;

4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси матни шу тилнинг фонетик, лексик ва грамматик қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда, мумкин қадар қисқа, содда ва лўнда бўлиши зарур;

5. Нотариал ҳужжатда ифодаланаётган фикрлар мантиқий кетма-кетлик асосида изчил баён этилиши, мазмунан тўлиқ бўлиши лозим;

6. Юридик тилнинг қолиплашганлик белгисидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилув қарорида акс эттирилаётган фикрларни мумкин қадар олдиндан мавжуд бўлган (қолиплашган) маълум бир грамматик конструкциялар асосида ифодалаш тамойилига амал қилиш керак;

7. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси матни фақат ҳуқуқшунос мутахассислар яхши тушуниши нуқтаи назаридан эмас, балки барча фуқароларнинг идрок этиши имконидан келиб чиқиб тузилиши зарур.

## НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТ ЛОЙИХАСИНИ ЛИНГВИСТИК ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Лингвистик экспертиза ишлаб чиқувчининг ташаббуси билан ёхуд топшириққа асосан вазирлик ва идоралар билан келишишдан олдин ўтказилади. Давлат тили ва уни ривожлантиришга оид қонунчилик ҳужжатларининг лойиҳалари лингвистик экспертизадан ўтказилиши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг лингвистик экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 октябрда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 662-сонли қарорига асосан мазкур Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган қуйидаги схемага мувофиқ ўтказилади.

### Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тартибининг СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилот, юқори турувчи ташкилот	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини (кейинги ўринларда — лойиҳа) лингвистик экспертизадан ўтказиш ташаббуси билан чиқиш.</li> <li>2. Лойиҳани лингвистик экспертизадан ўтказиш юзасидан топшириқ бериш.</li> </ol>	Заруратга кўра
2-босқич	Маслаҳатчи ёхуд мутахассис	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Лингвистик экспертизадан ўтказиш натижаси бўйича лойиҳа матнида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тавсияларни кўрсатган ҳолда хулоса бериш.</li> <li>2. Лингвистик экспертиза хулосасини имзолаш ва лойиҳани ишлаб чиқувчига тақдим этиш.</li> </ol>	3 кун ёки шартномада белгиланган муддат
3-босқич	Лойиҳани ишлаб чиқувчи	Маслаҳатчи ёхуд мутахассис хулосасида берилган тавсиялар асосида лойиҳа матнини қайта ишлаш ҳамда келишиш учун вазирлик ва идораларга юбориш.	Лойиҳа матни қайта ишлангандан сўнг



Шундай қилиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ташкилот раҳбарининг кўрсатмасида бошқа муддат белгиланмаган бўлса, маслаҳатчига келиб тушган санадан бошлаб уч иш кунида лингвистик экспертизадан ўтказилади.

Мутахассис томонидан лойиҳани лингвистик экспертизадан ўтказиш муддати у билан тузилган шартномада кўпи билан беш иш куни этиб белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг лингвистик экспертиза натижаси тўғрисида ушбу юқоридаги Низомнинг 2 ва 3-иловаларда кўрсатилган намунага мувофиқ қуйидагича хулоса берилади:

## NORMATIV-HUQUQIY HUJJAT LOYIHASINING LINGVISTIK EKSPERTIZA XULOSASI

\_\_\_\_\_ -son

1. Normativ-huquqiy hujjat loyihasining turi: \_\_\_\_\_

2. Normativ-huquqiy hujjat loyihasining nomi: \_\_\_\_\_

3. Lingvistik ekspertizani o'tkazuvchi: \_\_\_\_\_

4. Lingvistik ekspertiza o'tkazilgan sana: \_\_\_\_\_

5. Normativ-huquqiy hujjat loyihasi matnida aniqlangan xato va kamchiliklarni bartaraf etish, tegishli tuzatishlar kiritish, matnni qisqartirish, qayta ishlash bo'yicha aniq tavsiyalar ko'rsatiladi:\*

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

**Maslahatchi:**

\_\_\_\_\_  
( imzo )

\_\_\_\_\_  
( F.I.Sh. )

20\_\_-yil \_\_\_\_-

\* Ushbu tavsiyalar jadval shaklida bayon qilinib, unda loyiha matnining dastlabki tahriri hamda ekspertiza natijasida tavsiya etilayotgan tahrir aks ettirilishi lozim.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан  
ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга  
3-ИЛОВА



**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM  
VAZIRLIGI ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT  
O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI HUZURIDAGI DAVLAT  
TILIDA ISH YURITISH ASOSLARINI O‘QITISH VA MALAKA OSHIRISH  
MARKAZI**

**100100, Toshkent sh., Yakkasaroy t., Yusuf Xos Hojib ko‘chasi, 103-uy. tel.:  
(99871) 281-45-67, Veb-sayt: www.dtrm.uz, azimov@navoiy-uni.uz,  
I.M.Azimov@exat.uz**

2022-yil \_\_\_\_\_ -son \_\_\_\_\_ Toshkent sh.

**NORMATIV-HUQUQIY HUJJAT LOYIHASINING  
LINGVISTIK EKSPERTIZA XULOSASI**

\_\_\_\_\_ -son

1. Normativ-huquqiy hujjat loyihasining turi: \_\_\_\_\_

2. Normativ-huquqiy hujjat loyihasining nomi: \_\_\_\_\_

3. Lingvistik ekspertizani o‘tkazuvchi: \_\_\_\_\_

4. Lingvistik ekspertiza o‘tkazilgan sana: \_\_\_\_\_

5. Normativ-huquqiy hujjat loyihasi matnida aniqlangan xato va kamchiliklarni  
bartaraf etish, tegishli tuzatishlar kiritish, matnni qisqartirish, qayta ishlash bo‘yicha  
aniq tavsiyalar  
ko‘rsatiladi: \* \_\_\_\_\_

**Markaz rahbari:**

\_\_\_\_\_  
( imzo )

\_\_\_\_\_  
( F.I.O. )

20\_\_-yil \_\_\_\_ — \_\_\_\_\_

**Mutaxassis:**

\_\_\_\_\_  
( imzo )

\_\_\_\_\_  
( F.I.O. )

20\_\_-yil \_\_\_\_ — \_\_\_\_\_

\* Ushbu tavsiyalar jadval shaklida bayon qilinib, unda loyiha matnining dastlabki tahriri hamda ekspertiza natijasida tavsiya etilayotgan tahrir aks ettirilishi lozim.

Хулосада лойиҳа матнида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш, тегишли тузатишлар киритиш, матни қисқартириш, қайта ишлаш бўйича аниқ тавсиялар кўрсатилиши лозим. Ушбу тавсиялар жадвал шаклида баён қилиниб, унда лойиҳа матнининг дастлабки таҳрири ҳамда экспертiza натижасида тавсия этилаётган таҳрир акс эттирилиши зарур.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси лингвистик экспертизадан ўтказилганидан кейин хулоса маслаҳатчи ёхуд мутахассис томонидан имзоланади. Лингвистик экспертiza натижалари бўйича қабул қилинган хулосанинг сифати учун маслаҳатчи ёхуд мутахассис жавобгар ҳисобланади. Лойиҳани ишлаб чиқувчи хулосада кўрсатилган тавсиялар асосида лойиҳа матнини қайта кўриб чиқади ҳамда келишиш учун вазирлик ва идораларга юборади.

## **НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ЛИНГВИСТИК ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗУВЧИ МАСЛАҲАТЧИ ЁХУД МУТАХАССИСНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

Лингвистик экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқувчи давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси томонидан амалга оширилади.

Лойиҳани лингвистик экспертизадан ўтказиш жараёнида ишлаб чиқувчининг ташаббуси билан давлат органларининг илмий ва таълим ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган фуқаролар, шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ҳам шартнома асосида жалб қилиниши мумкин.

Лингвистик экспертизани ўтказиш харажатлари бюджетдан ташқари жамғармалар ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Лингвистик экспертизани ўтказадиган маслаҳатчи ёхуд мутахассис қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда лингвистик экспертизадан ўтказадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари предметига тааллуқли бўлган ҳужжатлар билан танишиш;

лингвистик экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш;

лингвистик экспертизадан ўтказиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари нормаларини аниқлаштириш ва улар бўйича тегишли тушунтиришларни олиш ҳуқуқига эга.

Маслаҳатчи ёхуд мутахассис қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Лингвистик экспертизани ўтказадиган маслаҳатчи ёхуд мутахассис қуйидаги мажбуриятларни бажаришлари зарур:

лингвистик экспертизани ташкил этиш ва ўтказишнинг қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган талабларига риоя қилиши;

лингвистик экспертизани ўтказиш муносабати билан ўзига маълум бўлган маълумотларни ошкор қилмаслиги;

зарур ҳолларда лингвистик экспертиза хулосаларини асослаб бериши;  
тақдим этилган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлашга мажбур.

Маслаҳатчи ёхуд мутахассис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

Лингвистик экспертиза ўтказиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни, Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари, Ўзбек тилининг изоҳли ва имло луғатлари, соҳа ва тармоқ луғатлари, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Географик объектларнинг номлари давлат реестри маълумотлари, давлат тилида иш юритишга оид адабиёт ва услубий қўлланмалар, шунингдек, ўзбек адабий тилининг бошқа илмий-услубий манбаларидан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 октябрда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 662-сонли қарорига асосан мазкур Низомнинг талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

## НАЗОРАТ УЧУН ТОПШИРИҚЛАР:

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрловчи ва уни лингвистик экспертизадан ўтказувчи мутахассислар, давлат тилида иш юритиш бўйича масъул ходимлар фаолиятида адабий тил меъёрларининг тутган ўрни ҳақида маълумот беринг.

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрловчи ва уни лингвистик экспертизадан ўтказувчи мутахассислар, давлат тилида иш юритиш бўйича масъул ходимлар фаолиятида юридик тил ва юридик нутқнинг тутган ўрни ҳақида маълумот беринг.

3. Юридик тил ва унинг белгилари ҳақида маълумот беринг.

4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрловчи ва уни лингвистик экспертизадан ўтказувчи мутахассислар, давлат тилида иш юритиш бўйича масъул ходимлар фаолиятида унинг қандай ўрин тутишини изоҳланг.

5. Сизнинг фикрингизча, бугунги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрловчи ва уни лингвистик экспертизадан ўтказувчи мутахассислар, давлат тилида иш юритиш бўйича масъул ходимларнинг ёзма саводхонлик даражаси қандай?

6. Юридик ёзма нутқда пунктациян меъёрларнинг ўрни ҳақида маълумот беринг.

## **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА АДАБИЁТЛАР:**

### **I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги 167-I-сон “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги 931-XII-сон “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 10 Апрельдаги 615-сон “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябридаги ПФ-5816-сон “Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 январдаги 34-сон “Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 октябрдаги 662-сон “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

### **II. Соҳага оид қўлланмалар:**

Аминов А. Мадвалиев А. ва бошқ. Давлат тилида иш юритиш. – Т.: Ўзбекистон, 2020.

Кўчимов Ш.Н. Юридик тил назарияси ва амалиёти. – Т.: ЖИДУ, 2013.

Саидов А.Х., Кўчимов Ш.Н. Қонунчилик техникаси асослари. – Т, Адолат, 2001.

Усмонов С. Юристининг нутқ маданияти. – Т., 2007.

Ўзбек тилининг имло луғати/тузувчилар: Бегматов Э., Мадвалиев А. – Т.: Академнашр, 2013.

Mahmudov N, Rafiyev A., Yo‘ldoshev I. Nutq madaniyati va davlat tilida ishyuritish. – T., 2014.

O‘zbek tili punktuatsiyasining asosiy qoidalari. – T.: “O‘zbekiston”, 2015.

Saidov A., Sarkisyans G. Yuridiktil vahuquqshunos nutqi. – T., 1994.

Зиямухамедова Ш., Гулямова Г. Юристнинг ёзма нутқи. Юридик коллежлар учун ўқув қўлланма. – Т., 2017.

Усмонов С., Зиямухамедова Ш. Юрист нутқи амалиёти. – Т., 2019.

### **III. Электрон таълим ресурслари**

<http://www.lex.uz>

<http://www.adolatnashr.uz>

<http://www.yozmanutq.uz>

<http://www.UZA.uz>

<http://www.press.service.uz>

<http://www.ut.uz>

<http://www.ziyonet.uz>

<http://yurislingvistika.ukit.me/>



## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
Лингвистик экспертизаси тушунчаси, унинг ва вазифалари.....	5
Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини лингвистик экспертизасидан ўтказиш талаблари.....	8
Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини лингвистик экспертизадан ўтказиш тартиби.....	16
Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини лингвистик экспертизадан ўтказувчи маслаҳатчи ёхуд мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	21
Назорат учун саволлари.....	23
Тавсия этиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва адабиётлар.....	24

**Кўчимов Шухрат Норкизилович**  
филология фанлари доктори,  
профессор

**НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ  
ЛИНГВИСТИК ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ**

Методик қўлланма

**“ТАМАДДУН” – 2022**

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30 ўй

Мухаррир: Ҳ.Закирова  
Техник муҳаррир: С.Алимбаева  
Саҳифаловчи: Т.Шоназаров